

Доктор Муртазо Бедир



14:59 / 11 октябрь 255

Туркия диёнат вақфи Ислом тадқиқотлари маркази (ISAM) раҳбари Доктор Муртазо Бедир 1968 йили Туркиянинг марказий қисмидаги Сивас вилоятида таваллуд топган.

1992 йил Мармара университети илоҳиёт факультетида бакалаврият таълимини тамомлаган.

1993 йили Туркиянинг Сакаря университетида илмий ходим сифатида иш фаолиятини бошлаган.

1996 йил Лондон университети Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактабининг ҳуқуқ факультетида магистратура босқичини тамомлаган.

1999 йил Манчестер университети санъат ва фанлар факультетининг Яқин Шарқ тадқиқотлари бўлимида “Ҳанафий фикҳи назариясининг дастлабки ривожланиши (Усул ал-фикҳ)” номли докторлик диссертациясини ёқлаган.

2000 йилда Сакаря университети илоҳиёт факультети доценти лавозимида иш бошлади.

2002-2003 йилларда Сурия Миллий Таълим Вазирлиги стипендияси билан ушбу мамлакатда тадқиқот олиб борган.

2005 йилда Сакаря университети Ислом ҳуқуқи кафедрасининг доценти бўлди ва 2010 йил охиригача ушбу таълим даргоҳида фаолиятини давом

эттирди.

2007-2008 йилларда Гарвард университети ҳуқуқ факультетида тадқиқот олиб борди.

2011 йилдан Истанбул университети илоҳиёт факультети профессори сифатида фаолият юритиб келмоқда. 2013-2020 йилларда шу факультет декани лавозимида ишлаган.

2015 йилда Ислом Конференцияси Ташкилотига қарашли Халқаро Фикҳ Академиясининг Туркия жумҳурияти вакили этиб тайинланган. Шу йили Дин ишлари бўйича Олий Кенгаш аъзоси этиб сайланган.